

**ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШГА (ИШЛАРНИ БАЖАРИШГА)
ОИД ШАРТНОМА № 2**

Бухоро ш.

“ 28 ” янв 2022 йил

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш маркази" ДУК, кейинги ўринларда "Бажарувчи" деб юритилади, Ўзининг Низоми асосида иш юритувчи директор Х.Тўраев орқали, бир томондан ва Бухоро вилоят ҳокимлиги ўзининг регламенти асосида иш юритувчи, кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритилади, Ф. Ҳорова номидан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

- 1.1. Мазкур шартнома бўйича "Бажарувчи" "Буюртмачи"га интернет тизимига улаш ва интернет алоқаси билан таъминлаш (кейинги ўринларда - "Хизматлар" деб юритилади) хизматларини кўрсатиш, "Буюртмачи" ушбу "Хизматлар"ни қабул қилиш ва қийматини тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига олади. «Бажарувчи» хизматларни кўрсатади, Буюртмачи эса хизматларни қабул қилиб, шартномада белгиланган муддатларда хизмат ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.
- 1.2. "Интернет хизматлар"нинг 2022 йил январь ойи учун қилинадиган хизматни ўз ичига олади.
- 1.3. "Бажарувчи" шартномада белгиланган тартибда хизмат курсатадиган компьютерлар ва принтерларнинг умумий сони 133 тадан ошмаслиги зарур.

II. ТОМОНЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. " Буюртмачи "нинг ҳуқуқлари:

- 2.1.1. "Бажарувчи"дан шартномани бажариш учун зарур бўлган амалдаги давлат стандартлари ва бошқа норматив ҳужжатлар билан таъминлашни талаб қилиш;
- 2.1.2. "Бажарувчи"дан мазкур шартномага мувофиқ белгиланган хизматларнинг тегишли сифатга эга бўлишини талаб қилиш;
- 2.1.3. Шартнома шартлари бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги натижасида етказилган зарар қопланишини "Бажарувчи"дан талаб қилиш.

2.2. "Буюртмачи"нинг мажбуриятлари:

- 2.2.1. «Хизматлар»ни 2022 йил бюджетдан ташқари ёки бюджетдан ажратилган маблағлар доирасида "Бажарувчи" билан шартнома тузиш;
- 2.2.2. Сиёҳ ва бошқа бутловчи маҳсулотлар "Буюртмачи" ҳисобидан таъминланади.
- 2.2.3. "Хизматлар" учун олдиндан келишилган тўлов амалга оширади.
- 2.2.4. Ўз буюртманомаси бўйича кўрсатилган "Хизматлар"ни мазкур шартномага мувофиқ қабул қилиш;
- 2.2.5. «Хизматлар»га мазкур шартноманинг 3.1-бандида кўрсатилган нарх бўйича, узаро ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси имзоланган пайтдан бошлаб 5 кун мобайнида 100% тулов тўлаш.

2.3. «Бажарувчи» қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- 2.3.1. Кўрсатилган "Хизматлар" учун олдиндан ҳақ тўланишини ва амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва ҳажмда узил-кесил ҳисоб қилинишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш;
- 2.3.2. Берилган буюртманомага мувофиқ кўрсатилган "Хизматлар"ни қабул қилиш асоссиз рад этилиши натижасида етказилган зарар қопланишини "Буюртмачи"дан талаб қилиш.

2.4. «Бажарувчи»нинг мажбуриятлари:

- 2.4.1. «Буюртмачи» "Бажарувчи" томонидан шартнома бўйича келишилган миқдордаги олдиндан тўловни амалга оширганидан сўнг 5 иш кунида "Хизматлар" ни кўрсатишга киришади.
- 2.4.2. Бажарувчи шартноманинг 1.3 пунктида курсатилган миқдордан ошган тақдирда, қушимча шартнома тузилади ёки орган компьютерлар ва принтерларга хизмат курсатмасликга ҳақли.
- 2.4.2. Агар "Хизматлар"ни кўрсатиш жараёнида "Бажарувчи" шартнома шартлари ва нормативлардан чекинишга йўл қўйган бўлса, "Буюртмачи"нинг талаби билан аниқланган барча камчиликларни 10 кун муддатда бепул тузатиб бериш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАҲОСИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

- 3.1. Мазкур шартноманинг баҳоси 48 360 000 (қирқ саккиз миллион уч юз олти миш минг) сўмни ташкил этади.
- 3.2. "Буюртмачи" "Бажарувчи"га юқорида кўрсатилган шартнома миқдорини олдиндан ҳақ тариқасида ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 кун мобайнида шартнома суммасинг 30% туловни амалга оширади. Қолган тўловлар тарафлар ўртасида ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси расмийлаштирилган кундан бошлаб 5 кун мобайнида, қолган 70 % тулов тўланади.
- 3.3. Ҳисоб-фактура ва бажарилган ишлар далолатномаси "Бажарувчи" томонидан "Буюртмачи"га топширилади ва 5 кун ичида "Буюртмачи" ёзма ёки факс орқали эътироз билдирмаса мазкур ҳужжатлар эътирозларсиз қабул қилинган деб ҳисобланади ва улар дарҳол имзоланган ҳолда бир нусхадан "Бажарувчи"га қайтариши лозим бўлади.
- 3.4. Тўлов шакли нақд, пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

IV. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

- 4.1. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришга йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.
- 4.2. "Хизматлар" узаро қабул қилиш - топшириш ҳужжатлари тузилган сана шартномалар бўйича мажбуриятлар бажарилган сана ҳисобланади.
- 4.3. Кўрсатилган "Хизматлар" бевосита "Буюртмачи"нинг масъул ходими томонидан қабул қилинади.

V. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

- 5.1. Хизматлар кўрсатиш кечиктирилган ёки тўлиқ кўрсатилмаган тақдирда "Бажарувчи" "Буюртмачи"га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,4 фоизи миқдорини пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси кўрсатилмаган "Хизматлар" қийматининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Кўрсатилган "Хизматлар" учун ўз вақтида ҳақ тўланмаганда "Бююртмачи" "Бажарувчи"га муддати кечиктирилган ҳар бир кун учун кечиктирилган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдориди пеня тўлайди, бироқ бу кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Мазкур шартномада назарда тутилмаган томонларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ҳал этилади.

VI. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

6.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиққан тақдирда, томонлар орасида ўзаро музокара олиб бориш йўли билан ҳал этилади.

6.2. Томонларнинг келишмовчиликлари ва низолари узаро ҳал этилмаган тақдирда, қонуний ҳал этиш учун бевосита Бухоро туманлараро иқтисодий судга берилади.

VII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

7.1. Мазкур шартнома имзолангандан сўнг 2022 йил 31 декабрь қадар амалда бўлади.

7.2. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган ва ҳисоб-китоб тўлиқ тугалланган тақдирда тўхтатилади.

VIII. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

8.1. Мазкур шартнома томонларнинг келишувига кўра ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби бўйича суд тартибиди бекор қилиниши мумкин.

8.2. Мазкур шартномага ҳар қандай ўзгартириш ва қўшимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.

8.3. Мазкур шартнома томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан икки нусхада тузилади. Шартноманинг барча нусхалари тенг юридик қучга эгадир.

IX. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«Бажарувчи»

Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги
"Ахборот-коммуникация технологияларини
ривожлантириш маркази" ДУК

(ижрочининг номи)

Манзили 200118 Бухоро шаҳри,
Иброҳим Мўминов кўчаси 1-уй
тел\факс 8 (365) 223-42-38
х\р 20210000500448601001
банк номи Бухоро шаҳар АТБ Ўзсаноатқурилиш банк
Тўқимачилик филиали
МФО 00862 СТИР 303232001
ХХТУТ 82000

Директор Х.Тўраев

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Мухр ўрни



«Бююртмачи»

Бухоро вилоят ҳокимлиги

(бюджет маблағларини олувчи номи)

Манзили Бухоро ш. И. Мўминов
Кўчаси 1-уй
тел\факс (65) 223-49-82
ш\хв _____

Бюджетдан маблағ олувчи СТИРи: 201512528
ХХТУТи: _____

Ғазначилик бошқармаси номи: Бухоро

Вилоят Буйиға
Ғазна ҳ.в.: 23402300100001010

Банк номи: Шошкент Марказий Банк

МФО: 00014

Ғазначилик бўлинимаси СТИРи: 201122919

ХХТУТи: _____

Раҳбар Ф. Тўраев

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

Мухр ўрни



Исмаилов Абдуваҳод
Ж. Мўбарак
Юристини Ж. Мўбарак

Ф. Тўраев

